

Совет даври ўзбек болалар адабиётининг йирик ва истеъодли намояндаларидан бири Куддус Мухаммадий 1907 йили Тошкентда дәхкон оиласида дунёга келди. Ўрта мактабдан сўнг аввал кишлок хўжалиги билим ютида, сўнг Ўрта Осиё дорилфунунининг биология факултетида тахсил олди.

Унинг ижоди 30-йилардан бошланган бўлиб, даставвал «Шарқ хакикати» рўзномаси ва «Ер юзи» ойномаларида чоп этилди. Унинг машхур «Сандал ва печка», «Ўз-ўзини танкид» каби достонлари 1936-1937 йилларда яратилди.

Унда эскилик билан янгилик, эски урф-одатлар билан янгича урф-одатлар киёсий тарзда ўзининг поетик ифодасини топди. Хаётдаги, кишилар, хусусан болалар характеристидаги айрим нуксонлар бегараз хажв килинди.

Куддус Мухаммадий 1941—1944 йилларда машхур халк шоири, баҳши Ислом ота хузурида унинг достонларини ёзиб олиш билан машгул бўлди. Урушдан кейинги йилларда эса унинг биринчи шеърий тўплами «Синов» (1947) номи билан нашр этилди.

Шундан сўнг «Ўқувчига эсадалик» (1947), «Шеър ва эртаклар» (1947), «Орзу» (1948), «Бахор келди» (1950), «Дунёда энг кучли нима?» (1951), «Кирк ўғил ва киз» (1951), «Бизнинг дўстларимиз» (1952), «Сен тугилган кун» (1952), «Янги уй» (1953), «Мөхрибон дўстлар» (1953), «Қўнгизбой билан сичконбой» (1955), «Тугмача» (1956), «Танланган асарлар» (1957) каби ўнтадан ортиқ китоблари босилиб чиқди. Хусусан, унинг тўрт китобдан иборат «Табиат алифбоси» китоби маълум ва машхур бўлиб кетди. «Очил дастурхон» (1970) каби халк оғзаки ижоди анъаналари руҳидаги асарлари хам шухрат топди ва адибга чексиз шараф келтирди. Унинг «Канотли дўстлар» номли шеърий китоби 1970 йилда Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. У айни чогда Ўзбекистон халк шоири хам бўлди.

К. Мухаммадий факат болалар шоиригина эмас, болалар адабиётининг тадқикотчиси, жонкуяри ва таргигботчиси сифатида хам ўнлаб маколалар ёзди. Хусусан унинг «Болалар адабиётининг янада равнаки учун (1961), «Болалар адабиётини ўрганайлик» (1963), «Илҳом билан» (1967) каби маколалари шулар жумласидандир.

Куддус Мухаммадий мохир таржимон сифатида машхурдир. Унинг С. Маршак, С. Михалков, А. Баро, К. Чуковский асарлари таржимаси ўзбек болалар адабиётининг равнаки ва тарақтсиётида мухим рол ўйнайи.

К. Мухаммадий хоҳ шоир, хоҳ тадқикотчи, хоҳ таржимон сифатида фаолият кўрсатмасин, хамиша хамма ўринда болалар келажаги, камолоти, маънавий шаклланиши хакида кайгорди. Уларнинг ўқимишли, ишбилармон ва етук мутахассис бўлишини орзу килди ва нихоят, бунинг учун:

Бўлай десанг бобон,
Ё Ватанга посбон,
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Нимаики килсанг тилак
Барига ўкиш керак,—
деган холосага келди.